



ЗАМОНАВИЙ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ

и.ф.н. **Валижонов Акмалжон**

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини
бошқариш агентлиги тадқиқотлар маркази

ORCID: 0000-0003-4925-2236

research@davaktiv.uz

Аннотация. Мақолада Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан 2023 йилда қайта қабул қилинган корпоратив бошқарув тамойилларининг асосий мазмуни ва моҳияти ёритилган. Ишда ушбу тамойилларнинг мақсади ва ҳуқуқи мақоми очиб берилган, тамойилларга қисқача шарҳлар келтирилган. Олиб борилган тадқиқот натижалари бўйича Ўзбекистонда корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойилларидан фойдаланиш бўйича хулосалар олинган.

Калит сўзлар: тамойил, корпоратив бошқарув, ҳуқуқ, ахборот, шаффофлик, инвестор, акциядорлар, директорлар кенгаши.

ОСНОВНОЕ СОДЕРЖАНИЕ И СУТЬ СОВРЕМЕННЫХ ПРИНЦИПОВ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ

к.э.н. **Валиджонов Акмалжон**

Исследовательский центр Агентства по управлению
государственными активами Республики Узбекистан

Аннотация. В статье раскрываются основное содержание и суть принципов корпоративного управления, принятых Организацией экономического сотрудничества и развития в 2023 году. В работе раскрывается основное назначение этих принципов и их правовой статус, дается краткий комментарий к ним. По результатам исследования сделаны выводы относительно применения принципов корпоративного управления в Узбекистане.

Ключевые слова: принцип, корпоративное управление, закон, информация, прозрачность, инвестор, акционеры, совет директоров.

MAIN CONTENT AND ESSENCE OF MODERN CORPORATE MANAGEMENT PRINCIPLES

PhD **Valijonov Akmaljon**

Research Center of the State Assets Management
Agency of the Republic of Uzbekistan

Abstract. The article highlights the main content and essence of the newly adopted Corporate Governance Principles by the Organization for Economic Cooperation and Development in 2023. The work reveals the main purpose of these principles and their legal status, providing brief commentary on the principles. Based on the research results, conclusions were drawn regarding the use of corporate governance principles in Uzbekistan.

Keywords: principle, corporate governance, law, information, transparency, investor, shareholders, board of directors.

Кириш.

Дунёда корпоратив бошқарувни ривожлантиришда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (Organisation for Economic Cooperation and Development) муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ташкилот томонидан ишлаб чиқилган корпоратив бошқарув тамойиллари дунё мамлакатлари учун корпоратив бошқарув кодекси ва қоидаларини ишлаб чиқишда услубий асос ҳисобланади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) томонидан ишлаб чиқилган дастлабки корпоратив бошқарув тамойиллар ИХТТ кенгаши йиғилишида 1999 йил 26-27 майда аъзо мамлакатларнинг вазирлари даражасида имзоланган. Ўтган давлар оралиғида корпоратив бошқарув соҳасидаги ўзгаришлар ва амалиётлар таҳлили асосида 2023 йилда ИХТТ ва катта 20 талик (G20) давлатлари томонидан корпоратив бошқарувнинг янгиланган тамойиллари қабул қилинди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган мақолада 2023 йилда қабул қилинган корпоратив бошқарув тамойилларининг асосий мазмуни ва моҳиятини очиқ беришга ҳаракат қилинган.

Адабиётлар шарҳи.

Корпоратив бошқарув соҳасида хорижий тадқиқотчилар, жумладан давлатнинг корпоратив бошқарувдаги роли К. Коглянезе, Т. Хили, Э. Китини (2004) изланишларида, корпоратив маданиятининг корпоратив бошқарув ва корпорацияларни ривожлантиришга таъсири Коттер, Хескетт (1992) асарларида, инвесторлар ва корпоратив бошқарув масалалари Порта, Лопез-Де-Силанес ва Шлеифер (2000) тадқиқотларида, компания директорлар кенгаши бўйча илмий тадқиқотлар Беликов (2019) асарларида ёртилган, корпоратив бошқарув масалалари мамлакатимиз олимларидан Суюновнинг (2021) корпоратив бошқарувдаги муаммолар ва унинг ечимлари, Бутиковнинг (2023) қимматли қоғозлар бозори ва корпоратив бошқарувни тартибга солиш, Ходиев, Беркиновнинг (2011) корпоратив бошқарувнинг назарий асослари, Ашуровнинг (2024) корпоратив ижтимоий масъулиятга доир асарларида ёритилган.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада иқтисодий таҳлилнинг монографик ўрганиш, тарихий ва қиёсий таҳлил усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Корпоратив бошқарув компания раҳбарияти, бошқаруви, акциядорлар ва манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар мажмуини ўз ичига олади. Корпоратив бошқарув, шунингдек, компания ўз мақсадларини йўналтирадиган ва белгилайдиган тузилма ва тизимларни таъминлайди, шунингдек, ушбу мақсадларга эришиш ва самарадорликни кузатиш воситаларини белгилайди.

ИХТТ корпоратив бошқарув тамойиллари корпоратив бошқарувнинг етакчи халқаро стандарти ҳисобланади. Улар сиёсатчилар ва тартибга солувчи органларга бозорнинг ишончилиги ва яхлитлигини, иқтисодий самарадорлик ва молиявий барқарорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий, меъёрий ва институционал асосларини баҳолаш ва такомиллаштиришга ёрдам беришга қаратилган.

Тамойиллар мажбурий кучга эга эмас ва миллий қонунчилик учун батафсил кўрсатмалар беришга йўналтирилмаган. Тамойиллар миллий қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларнинг ўрнини босмайди ва устунлик кучига эга деб қаралмаслиги керак. Аксинча, улар одатда қонунчилик, листинг қоидалари, ўзини ўзи тартибга солиш механизмлари, шартнома мажбуриятлари, ихтиёрий мажбуриятлар ва бизнес амалиёти

элементларини ўз ичига олган мақсадларни аниқлаш ва уларга эришишнинг турли воситаларини таклиф қилишга қаратилган.

Тамойилларнинг мақсади мамлакатлардаги тартибга солувчи органлар ва бозор иштирокчиларига корпоратив бошқарувнинг асосларини ишлаб чиқиш бўйича ишончли ва мослашувчан тавсияларни тақдим этишдан иборат. Ўзгарувчан дунёда рақобатбардош бўлиб қолиш учун корпорациялар инновацияларни жорий этишлари ва корпоратив бошқарув усулларини янги талабларга мослаштиришлари ҳамда янги имкониятлардан фойдаланишлари керак.

Корпоратив бошқарув тизими шаффоф ва адолатли бозорларни ривожлантиришга, ресурсларни самарали тақсимлашга қўмаклашиши лозим.

Тамойиллар қуйидаги олтита бобда келтирилган:

- I) Самарали корпоратив бошқарув тизими учун асосни таъминлаш;
- II) Акциядорларга ва мулкдорларнинг асосий функцияларига адолатли муносабат;
- III) Институционал инвесторлар, фонд бозорлари ва бошқа воситачилар;
- IV) Ахборотни ошкор қилиш ва шаффофлик;
- V) Корпоратив бошқарувда директорлар кенгашининг мажбуриятлари;
- VI) Барқарорлик ва яшовчанлик.

Самарали корпоратив бошқарув тизими учун асосни таъминлаш бобида таъкидланишича самарали корпоратив бошқарувни ташкил этиш бозор иштирокчилари ўзларининг шартномавий муносабатларини ўрнатишда таяниши мумкин бўлган мустақам ҳуқуқий, меъёрий ва институционал базани талаб қилади. Шаффоф ва адолатли бозорларни рағбатлантириш орқали ушбу тузилма кенгроқ иқтисодий мақсадларга эришиш учун зарур бўлган бозорларга бўлган ишончни шакллантиради.

Корпоратив бошқарув тизимининг қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий элементлари мослашувчанликни таъминлаш ва алоҳида компанияларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш учун кўпинча "риоя қилиш ёки тушунтириш" тамойилига асосланган корпоратив бошқарув кодекслари билан фойдали тарзда тўлдирилиши мумкин.

Корпоратив бошқарув амалиётига таъсир кўрсатадиган ҳуқуқий ва меъёрий талаблар қонун устуворлигига мос келиши, шаффоф ва ижро этилиши мумкин бўлиши керак. Тамойилларда корпоратив бошқарув кодекслари компанияларнинг энг яхши амалиётларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун қўшимча механизмни яратиб бериши мумкинлиги эътироф этилган.

Тамойилларда таъкидланишича корпоратив бошқарув тизимини ишлаб чиқишда миллий қонун чиқарувчилар ва тартибга солувчи органлар самарали халқаро мулоқот ва ҳамкорликнинг зарурати ҳамда натижаларини ҳисобга олишлари зарур. Бундан ташқари, турли ҳокимият органлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги вазифалар тақсимоли аниқ ифодаланиши ва жамоат манфаатларига хизмат қилиши лозим.

Акциядорларга ва мулкдорларнинг асосий функцияларига бўлган ҳуқуқлар ва адолатли муносабат бобида корпоратив бошқарув тизими акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ва амалга оширишга қўмаклашиши, барча акциядорларга, шу жумладан, миноритар ва хорижий акциядорларга нисбатан адолатли муносабатни таъминлаши лозимлиги кўрсатилган. Бунда, барча акциядорлар ўз ҳуқуқлари бузилганда оқилона нархда ва ортиқча кечикишларсиз самарали тоовон олиш имкониятига эга бўлишлари керак.

Тамойилларга асосан акциядорларнинг асосий ҳуқуқлари қуйидаги ҳуқуқларни ўз ичига олиши керак: 1) мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишнинг хавфсиз усуллари; 2) акцияларни ўтказиш; 3) корпорация тўғрисидаги долзарб ва муҳим маълумотларни ўз вақтида ва мунтазам равишда олиш; 4) акциядорларнинг умумий йиғилишларида

иштирок этиш ва уларда овоз бериш; 5) бошқарув аъзоларини сайлаш ва лавозимидан четлаштириш; 6) корпорация фойдасини тақсимлашда иштирок этиш; 7) ташқи аудиторни сайлаш, тайинлаш ёки тасдиқлаш.

Акциядорлар корпорация фаолияти тўғрисида етарли даражада хабардор бўлиши ва қуйидагилар каби туб корпоратив ўзгаришларни маъқуллаш ёки қабул қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиши керак: 1) компаниянинг уставига, таъсис шартномасига ёки шунга ўхшаш бошқарув ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш; 2) қўшимча акцияларни чиқаришга рухсат бериш; 3) фавқулодда битимлар, шу жумладан мулк ҳуқуқини ўтказиш.

Ушбу бобда акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тартиби, акциядорлар ҳуқуқларини таъминлаш, шу жумладан судларда даъво ишларини юритиш билан боғлиқ бўлган тавсиялар ва риоя этилиши лозим бўлган тамойиллар келтирилган.

Корпоратив бошқарувни ривожлантиришда инвесторлар ва фонд бозорлари муҳим аҳамиятга эга. Кўриб чиқиладиган тамойилларда институционал инвесторлар, фонд бозорлари ва бошқа воситачилар билан боғлиқ масалалар алоҳида 3-бобда акс эттирилган.

Тамойилларга мувофиқ корпоратив бошқарув тизими фонд бозорларининг яхши корпоратив бошқарувга ҳисса қўшадиган тарзда ишлашини таъминлаши керак. Корпоратив бошқарув тизими институционал инвесторларнинг инвестиция объектлари бўлган компаниялар билан ўзаро алоқасини осонлаштириши ва қўллаб-қувватлаши лозим. Фонд бозорлари самарали корпоратив бошқарувни рағбатлантиришга ёрдам берадиган восита сифатида адолатли ва самарали нархларни аниқлашни таъминлаши зарур.

Ўз юрисдикциясидан ташқари юрисдикцияда рўйхатга олинган компаниялар учун қўлланиладиган корпоратив бошқарув қонунлари ва қоидалари аниқ очиқ берилиши керак. Ўзаро листинглар ҳолатида бирламчи листингнинг листинг талабларини тан олиш мезонлари ва тартиби шаффоф ва ҳужжатлаштирилган бўлиши лозим.

Ахборотни ошкор қилиш ва шаффофлик масалалари корпоратив бошқарувни ривожланишининг ҳар қандай босқичида муҳим ўрин тутди. Шунинг учун тамойилларда корпорациялар томонидан ахборотни ошкор қилиш ва шаффофликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Корпоратив бошқарув тизими корпорацияга тегишли бўлган барча муҳим масалалар, шу жумладан молиявий ҳолат, фаолият натижалари, барқарорлик, мулк ҳуқуқи ва компанияни бошқариш бўйича маълумотларнинг ўз вақтида ва аниқ ошкор этилишини таъминлаши керак. Тамойилларда маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги талаблар компанияга асоссиз маъмурий юк ёки харажатларни юкламаслиги кераклиги таъкидланган. Шунингдек, компаниялар ўзларининг рақобатбардош мавқеларини хавф остига қўйиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор қилишларини кутмаслик керак, инвестор томонидан асосли қарорлар қабул қилиш ва инвесторни чалғитишнинг олдини олиш учун маълумотларни ошкор қилиш зарур бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

Ахборотни ошкор қилишда компаниялар томонидан муҳим фактларни эълон қилиш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Тамойилларда муҳим фактлар инвесторнинг компания қийматини баҳолашига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган маълумот сифатида аниқланиши мумкинлиги белгиланган. Бундан ташқари, муҳим маълумотни оқилона сармоядор сармоя тикиш ёки овоз бериш қарорини қабул қилишда муҳим деб ҳисоблайдиган маълумот сифатида ҳам аниқлаш мумкин.

Самарали корпоратив бошқарувни ташкил этишда директорлар кенгаши асосий бошқарув органи эканлигини халқаро амалиёт тасдиқламоқда. Ўзбекистон қонунчилигида директорлар кенгаши тушунчаси ўрнига кузатув кенгаши тушунчаси қўлланилади. Тамойилларнинг бешинчи боби директорлар кенгашининг масъулиятларига бағишланган. Тамойиллар компанияни бошқариш ва бошқарувни

назорат қилиш вазифалари юклатилган ҳар қандай директорлар кенгашига нисбатан қўллаш учун мўлжалланган. Директорлар кенгаши тўлиқ маълумотларга асосланиб, виждонан, эҳтиёткорлик ва синчковлик билан, шунингдек, компания ва акциядорларнинг энг яхши манфаатларини кўзлаб, манфаатдор томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилиши керак. Директорлар кенгаши аъзолари компаниянинг узоқ муддатли муваффақияти ва натижадорлиги, шунингдек, унинг акциядорлари манфаатлари йўлида бизнес қарорларини қабул қилишда манфаатдор томонларнинг манфаатларини ҳисобга олишлари керак.

Тамойилларнинг якуний боби компанияларнинг барқарорлик ва яшовчанлик тамойили асосида ривожлантиришга бағишланган. Ушбу бобда компанияларда хавф-хатарларни бошқариш, кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш, директорлар кенгаши ролини ошириш ва экологик масалаларни корпоратив бошқарув доирасида ҳал қилиш бўйича тавсиялар ва риоя этилиши мақсадга мувофиқ бўлган тамойиллар келтирилган.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистонда корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий асосларини “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ва корпоратив соҳага доир бошқа қонунлар ташкил этади. Бундан ташқари, “риоя қил ёки тушунтир” тамойили асосида амал қилувчи 2015 йил 31 декабрда қабул қилинган Корпоратив бошқарув кодекси ҳам мавжуд. Ўтган даврлар оралиғида корпоратив қонунчилик соҳаси ва халқаро амалиётдаги ўзгаришлар ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан 2023 йилда қайта қабул қилинган корпоратив бошқарув тамойилларини эътиборга олиб, Ўзбекистонда Корпоратив бошқарув кодексини янги таҳрирда ишлаб чиқиш керак. Мамлакатимизда давлат корхоналари негизида ташкил этилган аксарият акциядорлик жамиятларида давлат иштироки юқори даражада сақланиб қолмоқда. ИХТТ томонидан 2024 йилда давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарувнинг йўриқнома тамойиллари ҳам тасдиқланган. Корпоратив бошқарув кодексини янги таҳририни тайёрлашда давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарувнинг йўриқнома тамойилларида келтирилган тавсияларни ҳам назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар/Литература/References:

Coglianesi C., Healey T., Keatiny E. (2004) *The Role of government in corporate governance*. Harvard University, - 45 p.

John P. Kotter, James L. Heskett. (1992) *Corporate Culture and Performance*. New York: Free Press.

La Porta R., Lopez-De-Silanes F. and Shleifer A. (2000) *Investor protection and corporate governance // Journal of Financial Economics*. – № 1-2. – p. 3-27.

Ашуров З.А. (2024) Развитие корпоративной социальной ответственности в Узбекистане: текущее состояние и перспективы. // *Корпоративные стратегии и технологии в период глобальных трансформаций: монография / коллектив авторов; под. ред. И.Ю.Беляевой и О.В.Даноловой*. – Москва: КНОРУС. – С. 64-74.

Беликов И. (2019) *Совет директоров компании: новый подход*. М.: ДеЛибри, – 506.

Бутиков И.Л. (2023) *Новый регулятор и старые проблемы. Капитал бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, замонавий тенденциялари ва истиқболлари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами* – Тошкент: ТДИУ. – Б. 12-17.

Суюнов Д.Х., Хошимов Э.А., Хусаинов Ш.А. (2021) *“Корпоратив бошқарув: муаммолар ва замонавий ечимлар”*.-Т.: Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби.-202 б.

Ходиев Б., Беркинов Б. (2011) *Корпоратив бошқарув*. –Т.:ТДИУ. -180 б.